



# Бир кунмас, бор кунлар сеника бўлсин, Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним!

## ТОҲТ ҲОЛДУЗИ

№29

(6547)

1 сентябр, 1993 йил

ЧОРШАНБА

Сотунда эркин  
парҳа.

Ўзбекистон болалари ва ёшларнинг газетаси

Феруза ЖАЛИЛОВА

### Имкониятнинг имтиҳони

Бизлар ўқиб юрган йилларда адабиёт дарслигида домла Фурқатнинг “Гимназия” деб аталган шеъри бўларди. Ўқитувчимиз шеър ҳақида узоқ тўхталиб, “оғ”лар томонидан очилган бу мактаб турининг бизлар учун қандай фойдаси борлиги, унда кимларнинг боласи ўқиши кераклиги хусусида оғиз очмасди. Бу гапларга ҳам қарийб қирқ йил бўлди...

Халқимизда ажойиб ҳикмат бор. “Қўшнинг гилам олса, сен ҳам бир чеккасида ўтирасан”, деган. Биз шўро тузуми даврида ҳозирги мустақил Давлатлар, ерларимизга келиб, ўз хуши-таби билан иш кўрган, Фурқат ҳавас қилган “Гимназия” очганларга қўшнимидик? Қардошмидик?

Ёки:

“Суворов ким эмиш бир катта одам,  
Жаҳонгирлик билан машҳури олам”  
деб юраверганмизми?...“

“Замон ўлди ўрусия замони” деб халқнинг кўзини очмоқчи бўлган, ана шуларга эргаш деб ундаган Фурқат домла, нега бош олиб бу

юртдан чиқиб кетади... У куйлаган “Гимназия” бизга нима берди?

Мен бу гапларни кимгадир тош отиш, камситиш учун айтмаяпман. Фақат ўқитувчилик онгимга сиғиб қолган хотираларни тикляяпман. Сизга айтсам, секин-секин ўзимни танияпман. Бу нимада кўринапти? То кечаги кунгача мени ва тенгдошларим Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хўжа Али Ромитоний... (санайверсам, ой кунлари етмайди) қаби буюк ҳадисчи боболаримиз, улкан доноларимиз борлигини билмаганмиз. Дунёда илм-фан мактабини яратган донишманд юртдошларимиз, назм ва санъат султонларини таъкидламай қўйя қолай.

Нега бутунбошли ҳавасимиз ўзгалар минган отларда бўлган. Ҳозирда ҳам бир аср олдин ўтиб кетган бобою момоларимиз исми-шарифи, касби-корини яхши билмасак-да, Пушкинни тарбиялаган энагаси — Арина Радионовнани эсдан чиқармаймиз...

(Давоми 3-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ўзи хон, ўзи бек, дейдилар сени,  
Мозийга елкадош давронларинг бор.  
Тарихинг кўп йиллар олсада қамраб,  
Икки йиллик тўйинг қилгум ифтихор.

Тенглар ичра тенг деб атардинг ўзни,  
“Озодлик” сўзидан ясаб ол байроқ.  
Кўп йиллар сен шиор айлаган сўзлар,  
Қўштирноқ ичинда ёзилмиш бироқ.

Бу кун сенинг йўлинг яғоца, тайин,  
Истиқлол йўлини этдинг ихтиёр.  
Ўз тилинг, ўз дининг, эркинг қўлингда,  
Йўқдан яна бор бўлган удумларинг бор.

Шукурким, мос бўлмиш исмиңга жисминг,  
Ўз уйингга ўзинг эгасан шоним,  
Бир кунмас, бор кунлар сеники бўлсин,  
Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним!



### ИСТИҚЛОЛИМ — ИСТИҚБОЛИМ

1991 йил

- 31 АВГУСТ. Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.
- 1 СЕНТЯБР. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди.

- 27 СЕНТЯБР. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 550 йиллиги нишонланди.
- 21. ОКТЯБР. Ўзбекистон ижодкорлар жамғармаси тузиш тўғрисидаги Фармонга Республика Президенти Ислам Каримов имзо чекди.
- 18 НОЯБР. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



**Х. ТҶУХТАБОЕВ,**  
“Истеъдод” республика жамғармаси раиси.

Шу йилнинг 4 май куни Ўзбекистон ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Президентимиз Фармони билан республикада ёш ижодкорларнинг “Истеъдод” жамғармаси ташкил этилди. Ўртабосимизнинг жамиятимизнинг келажакдаги ривожини камолга етган ёшлар яратди, деган сўзлари — ҳақ гап. Ҳамонки, Ватанимиз келажакда буюк давлат экан, шу буюкликни истеъдодли ёшлар юзага келтиради.

Халқимизнинг маданий бойлигига айлантириш учун ёш ижодкорларнинг “Истеъдод” жамғармасини ташкил этиб берди. Жамғарма кенг маънодаги истеъдодларни тинмай қидиради. Уларни тарбиялайди ва ҳимоя қилади. Бунинг учун жамғарманинг маълумотномасини йиғиш ишларини бошлаб юборганмиз. Бу ҳаракат аслида Халқ таълими йўналишида мавжуд эди. Улар вилоят, туман ва ҳўжалиқлардаги истеъдодларни рўйхатга олиш ҳаракатида эдилар. Биз буни кенг миқёсда давом эттираемиз. Жамғармамизнинг Низомида бадий



**Истеъдодга эътибор — ривожнинг боши**

Истеъдод — кенг маънодаги сўз. Истеъдоди, қобилияти йўқ халқ бўлмагани каби шундай болалар ҳам дунёга келмайди. Табиат ҳар бир гўдакка ҳаёт ато этаётганда унга озми-кўпми истеъдод ҳам бахш этади. Лекин бу қобилият, истеъдод турли сабабларга кўра гоҳо очилмай қолади, гоҳо ривожланишга йўл бўлмай қолади. Бизнинг талантли халқимиз ҳам узоқ йиллар давомида ўз қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш, истеъдодларимиз кўллари билан яратилганларни халқ мулкига айлантириш ва шу йўл билан дунёга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб келди. Ҳаммани тенглаштириш, ҳаммага бир хил маош тайинлашдай ярамас ақида истеъдоднинг баҳосини тушуриб юборди. Шундай ҳолатлар бўлдики, талантли ва истеъдодли ёшлар ўз устида ишлаб, қобилиятини намойиш этиш ўрнига кимгадир маъқул бўлиш йўлларини ахтаришди. Натижада миллатимиз истеъдоднинг ривожини сустлаштирди. Президентимиз ана шу ҳолатга тўғри баҳо берди ва истеъдодли ёшлар ва уларнинг талантларини янада юксалтириш, уларни

ижод соҳасида ижод қилаётган барча истеъдодли ёшлар билан шуғулланиш кўзда тутилган. Ёш шоир ва ёзувчилар, рассомлар, муסיқашунослар, безақчи ва халқ амалий соҳасида қобилиятини намойиш этган ҳамма ёшлардан кўмагимизни аямаймиз. Уларни керак бўлганда ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаймиз. Ҳаракатимиз республика миқёсида давом этади. Мақсадимиз истеъдодли ёшларимизни рўёбга чиқариш. Халқимиз ўз илми, жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси билан бутун дунёни, хусусан, туркий дунёни ҳайратга солиб келган. Бугунги ёш истеъдод ўшаларнинг авлоди, уларнинг танида ўша истеъдодларнинг зурриёди давом этмоқда. Ўша гўзалликларни, ўша тенги йўқ илми

фозилларни биз дунёга олиб чиқмоғимиз керак. Талантли, истеъдодли бирон бола бизнинг назаримиздан, эътиборимиздан четда қолмаслиги керак. Бу ишда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг маданият бўйича ўринбосарлари, маорифчилар, Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Чунки, уларда бугунга қадар ёшлар билан ишлаш тажрибаси катта.

Бугунги кунда ёшлар орасида бўлар эканман, ўсмирларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам кайфияти, руҳи баланд. Халқимиз кайфияти ҳам кўтаринки. Улар ўз озод ватанлари учун яхши ишларни давом эттиришмоқда. Бундай кайфиятни эса уларга инсон учун энг бош масала бўлган эрк ва озодлик берди. Бугунги кунда истеъдод ҳам, қобилиятли ёшларимиз ҳам озод. Улар ҳў фикрлашади, эркин ижод қиладилар. Уларга шундай имкониятни мустақиллик берди. Аммо ёшларимизга айтар гапим шуки, ана шу мустақиллик деган улур неъматдан фойдаланиб қолмоқ керак. Тинмай изланиш, билиш, ўқиш лозим. Чунки, истеъдодлари кўп бўлган, талантларига кўп эътибор берган халқ — энг ривожланган, тараққий этган халқдир.



Истиқлол қувончи

**И. Т. ЮСУПОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Болалар жамғармаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси 1987 йилда ташкил қилинган. Жамғармамизнинг ўз олдида кўйган мақсади — фуқаролар, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва давлат идораларини, жамиятнинг маънавий оқимини ёш авлод тарбиясига йўналтириш, барча фуқароларда болалар ва ўсмирлар учун жавобгарлик масъулиятини ошириш, оиланинг мавқеи ва ҳаётдаги тутган ўрнини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия,

болалар уйларида, мактаб-интернатларда тарбияланувчи болаларга кўрсатилган моддий ва молиявий ёрдам бўлди. Ушбу тадбир муносабати билан 1500 оила, 80 мингдан зиёд болаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида муҳтож оилаларга 979 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Республикада бўйича 7 та оилавий болалар уйларига 50, 70, 100 минг сўм миқдорда пул ўтказилди. Республика миқёсида анъанавий равишда кам

**КЎНГИЛАР  
ТОҒ БАРОБАР**

Айни кунларда қай томонга назар ташламанг: ҳар соҳада, ҳар жабҳада улкан ўзгаришлар.

Мустақиллигимиз шарофати билан биз ҳам хориждаги ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилиш, у ердаги болалар ва ўсмирлар ҳаёти билан яқинроқ танишиб имкониятига эга бўлдик. Кузатиб бораётган бўлсангиз, газетамиз саҳифаларида бу ҳақда тез-тез маълумотлар бериб боряемиз.

Хитой Халқ Республикаси, Шинжон Уйғур мухтор туманининг уйғур тилида болалар учун нашр этиладиган “Торим гунчалари” ойнамаси жамоаси билан ўрнатилган дўстона алоқалар, мазкур ойнаманинг “Адабиёт гулзори ва чет эл болалар адабиёти” саҳифаси муҳаррири Ашур Аҳмад билан самимий учрашувларимиз фикримизнинг ёрқин далилидир. Жумладан, яқинда муҳарририятимизга ташриф буюрган Шинжон Уйғур мухтор тумани “Шин-Хуа” китоб савдо компаниясининг директори Сун Юфу ҳамда Шинжон ёшлар ва болалар нашриётининг бош муҳаррири муовини Толиббой Қабоевлар билан ҳамсуҳбат бўлдик. Улар сўзлаган қизиқарли ҳикояларни тинглаб, хитойлик болалар ҳаёти, машғулоти, қизиқиш ва интилишлари ҳақида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлдик.

Яқинда эса ўзбекистонлик болаларнинг сеvimли шоири Абдусайд Кўчимов хитойлик ҳамкасблари, уйғур болалари ҳузурида меҳмонда бўлиб қизиқарли учрашувлар, мароқли, дўстона суҳбатларда иштирок этди. А. Кўчимовнинг Ўзбекистон болалари ҳаёти ҳақида тўлқинланиб сўзлаган ҳикояларини катта-ю, кичик мароқ билан тинглагани шубҳасиздир.

Шунингдек, “Торим гунчалари” ойнамасининг 8-сонига А. Кўчимовнинг қатор шеърлари эълон қилинган. Бу ҳам бўлса дўстона алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамлана бориётганлигидан далолатдир.

Дили-дилига яқин самимий дўстларимиз сафи кенгай бораётганлигидан кўнгишлар тоғ баробар кўтарилaveraди.

**О.ҲАМИДХҲҲАЕВ.**



**Энг муҳими — болалар манфаати**

болаларнинг ўзаро муносабатлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ижтимоий негизини мустаҳкамлаш, ёш истеъдодлар ва қобилият эгаларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш, етим ва ногирон болаларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ташкил топган кундан бошлаб жамғарма ҳисобига тушган маблағлар кенг ошқоралик ҳамда жамоатчиликнинг фаол иштирокида жойларда турли ҳайрия, тадбир ва мақсадларига сарфланмоқда.

Жумладан, жорий йилда амалга оширилган асосий тадбирлардан бири — бу умумхалқ байрами Наврўз арафасида кам даромадли, кўп болали оилалар,

даромадли ва кўп болали оилалар учун оила байрами ўтказиш режалаштирилган.

Мустақиллигимизнинг икки йиллиги муносабати билан барча болалар уйлари, мактаб-интернатларида байрам тантаналари ўтказиш, болаларга совғасаломлар топшириш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти болалар жамғармаси ташаббуси билан Олмалик шаҳрида, Тошкент шаҳар болалар жамғармаси ташаббуси билан шаҳримизнинг энг сўлим масканларидан бири бўлмиши Абдулла Қодирий сайлгоҳида байрам тантаналари бўлиб ўтади.

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, республикамизнинг барча болаларини мустақиллик байрами муносабати билан самимий қутлайман.

**ИСТИҚЛОЛИМ—  
ИСТИҚБОЛИМ**

12 ДЕКАБР. Ашгабадда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари Президентлари учрашувлари бўлиб ўтди.

16-19 ДЕКАБР. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Тургут Ўзол таклифига биноан Туркия жумҳуриятида расмий сафарда бўлди. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олди.

20-30 ДЕКАБР. Литва Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Миср Араб Республикаси, Швейцария конфедерацияси, Ҳиндистон Республикаси, Канада, Австралия ва Аргентина Ўзбекистон мустақиллигини тан олди.

29 ДЕКАБР. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилди.

**1992 ЙИЛ**

4 ЯНВАР. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қасамёд қилди.

16 ФЕВРАЛ. АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга келди.

16 ФЕВРАЛ. Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

26 ФЕВРАЛ. Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаша аъзо бўлди.

2 МАРТ. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

11-13 АПРЕЛ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Саудия Арабистони подшолигига расмий ташриф буюрди.

22 АПРЕЛ. Бишкекда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарлари учрашдилар.

16—19 ИЮН. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жанубий Корея Республикасида бўлди.

19—22 ИЮН. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзияга расмий ташриф буюрди.

22-23 ИЮН. Ўзбекистон Республикаси Президенти Индонезияга ташриф буюрди.

2 ИЮЛ. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди.

8—10 ИЮЛ. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Финляндияда бўлди.

13-14 АВГУСТ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Ислом Республикасига борди.

1 СЕНТЯБР. Мустақиллигимизнинг бир йиллиги кенг нишонланди.

18—20 СЕНТЯБР. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Австрия Республикасида бўлди.

24-25 НОЯБР. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Жумҳуриятида расмий сафарда бўлди.

8 ДЕКАБР. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бу кун умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

10 ДЕКАБР. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисидаги қонуни қабул қилинди.

**1993 ЙИЛ**

25 ЯНВАР — 1 ФЕВРАЛ. Ислом Каримов Давосдаги жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этди.

30 МАРТ. Малайзия бош вазири Дато Сери доктор Маҳатҳир бин Муҳаммад Ўзбекистонга келди.

4 АПРЕЛ. Туркия Республикаси Президенти Тургут Ўзол расмий сафар билан Ўзбекистонга келди.

27 АПРЕЛ — 1 МАЙ. Ислом Каримов Германия Республикасида расмий сафарда бўлди.

4 МАЙ. Ижодкор ёшларнинг “Истеъдод” республика жамғармаси тузилди.

8-11 ИЮН. Ислом Каримов Нидерландия қироллигида бўлди.

27 ИЮН. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини деб эълон қилинди.

14 АВГУСТ. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўш шаҳрида Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан учрашди.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўрни келганда бир фикрни мулоҳаза учун ўртага ташламоқчиман. Бу китоб ўқиш билан боғлиқ гап. Ростини, русча нашр қилинган бадий асарларга галати қараш бошланди. Ўша Арина Радионова меҳридан баҳраманд бўлган Пушкиндан тортиб, то бугунги ўрус ёзувчилари асарларигача. Аслида эса яхши асарнинг, санъатнинг миллати, ватани бўлмайди. Биз қанчалик мақтанмайлик, ҳазрати Навоий, бошқа халқлар даҳолари асарларини ўқиб, илму фанни чуқур эгаллаб, жаҳон майдонига чиқишни ўрганишимиз, ўзбекман, деб қад ростлашимиз пайти келди. Энди ўз уйим, ўлан тўшагим даври эмас. Мен гапни бекорга узокдан бошламадим. Негаки, ўқиган йилларимни кўяверинг, то кечаги — Мустақиллик кунларигача, мен учун

кетаверишганими? Бу ёғини узок таҳлил қилиб ўтиришга ҳожат йўқ. Фақат шуни биламанки, мен зарур ва нозарурнинг фарқига бормаганман. Кейинроқ тил билмаслигим — бу ночорлигим эканини тўла англаб етдим.

Ўзини англаш, тушуниш — бу оламга тийрак қарашга йўл очади. Ана шу йўл очилди. Буни сезган ота-оналар шошиб қолди. Боласининг келажаги кўпни қизиқтирмакда. Аниги, ҳар доим йўл бошловчи ота-она бўлади. Йўл бошловчининг издошлари ҳам бакуват бўлиши лозимми?

Бизнинг қишлоқда Сами бобо деган чол бўларди. Бир куни Газли-Бухоро йўлида учрашиб қолдик. Биз турган бекатда ҳа деганда автобус тўхтайвермади. Тоқатим тоқ бўлиб, бобога юзландим.

— Оқсоқол юринг, орқага қайтайлик.

бобомиз Амир Темурнинг салобатли ҳайкали қад кўтарди. Бу энди тасаввур этиб бўлмайдиган кувонч. Ана шу ҳайкалнинг яратувчиси, юртпараст Илҳом Жаббор деган уста ҳайкалгарош ибратли бир гапни айтди. Машҳур рассомимиз Абдулҳақ Абдуллаев Илҳомга қачон сим қоқмасин, "Илҳомжон, мендай бахтли одам камдан-кам топилади", деб кўяр экан.

— Нега? — деган саволга Абдулҳақ ака ушбу жавобни берар экан:

— Ука, бу кунларни орзуда ҳам яратолмай неча зотлар оламдан ўтиб кетди. Мен улар кўрмаган кунларни кўрдим. Қараки, Ўзбекистон мустақиллигиним кўрдим. Халқимнинг кувончига шерик бўлиб туришим — бахтим эмасми? Мана сен.

Сафар БАРНОЕВ

# Имкониятнинг иштироки



гимназия, лицей, коллеж деган сўзлар мавҳум эди. Унда кимлар ўқишини тасаввур қилолмасдим.

Халқ таълимида ишлашим, бу соҳадан озгина хабардор бўлганим учун сезаяпманки, мана шу бир-икки йил ичида ҳур Ўзбекистонимда лицей, коллеж дегани кўпайди. Биргина Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида очилган лицейларнинг сони йигирмадан ошиб кетди. Мактабларимизда махсус лицей синфлари очила бормоқда.

Ота-оналарнинг бу турдаги мактабларга қизиқиши кучайди. Фарзандимни шу билим масканида ўқитсам, деган орзу пайдо бўлди. Иқтидор деган тушунча уйғонди. Мен айтган мактабларда — лецейларда билимга ишонган, иқтидорли болалар ўқимоқда. Уларга болалар тест синови орқали танланмоқда. Демокчиманки, йўналиш бўйича ўқиш учун мусобақа бошланди. Бола ҳам, ота-она ҳам буни сезиб қолди. Фанни ўзлаштириш билан тил билиш зарурлиги аён бўлди.

Биз кунлар ўтишини баъзида сезмай қоламиз. Ҳозирги кунда жуда кўп богчаларнинг катта гуруҳларида инглиз, араб тилини ўргатиш бошланди. Сардор деган афгон дўстим бир гал сўз орасида мен тўртта одамман, деб мақтаниб кўйди. Суриштирсам, гапнинг мазмуни шуки, у инглиз, араб, форс, пушту тилларини яхши билар экан. Ўзбекистонга келиб ўқиб юрган йилларида ўзбекча ва русчани ҳам тўла ўзлаштириб олибди. Билдимки, у жаҳоннинг қайси мамлакатада бўлмасин, таржимон излаб кун кечирмайди. Чунки тил билган халқни бир-бирига боғлайди.

Афсус демайман. Бу менинг афсусим. Менинг ҳам ўқиб юрган йилларимда инглиз тили ўқитувчим бор эди. Кейин Тошкент дорилфунунида икки йил шу тилда дарс олдим. Лекин нонни инглиз тилида нима дейишини билмай ўтдим. Ўрганишга ким монелик қилди? Шароитми? Ҳавасми? Ҳафсаласизликми? Қизиқтиришнинг йўқлиги? Ёки ўқитувчиларимиз "бу ҳам хизмат" қабилда йўл тутиб синфга кириб, чиқиб

Нариги бекатда автобус тўхтаб ўтаяпти.

Сами бобо менга тикилиб туриб, ҳайратланди:

— Ота-боболаринг туппа-тузук, одам кўрган, эл таниган одам эди. Сен уларга ўхшамабсан, гапнинг қара. Орқага қайтиб, автобустга чиқмоқчимисан? Ҳай-ҳай, бу юришинг бўлса, отанг отган кесакни икки дунёда тополмайсан.

Гангиб қолдим. Бобонинг гапларига тушунмадим.

— Олдинга юр, — деди Сами бобо йўл бошлаб, — асли бу ерда мошин тўхтамасга тўхтамасин. Керак бўлса изимиздан келиб тўхтасин. Йигит деган олдинга қараб юради.

Шу-шу бўлди, бобонинг панди-йўриги мен учун қоидга бўлиб қолди. Иккиланиш, чучмал фикрлашдан қутулдим. Балки ана ўшанда илк бор ўзимни танигандирман.

Биз шу пайтгача қайси қўшининг гиламидан баҳраманд бўлдик? Ўйлаб тагига етолмайман. Умумий фикрлашга эга бўлганлигимиз аниқ. Меники, сеники деган қарашлар йўқ. Энди мана бунинг фарқига етдик. Ўзбекистон — бу меники дейдиган, иқтидорли болалар деб атайдиган бўлдик.

Баъзи бир ахборотларни эшитиб ҳавасинг келади. Ўзбекистонимиз мустақилликка юз тутгач, юзлаб болалар Туркияга ўқишга кетди. Яқинда бир гуруҳ фарзандларимиз Америкага, бир йил ўқиб келиш учун жўнади. Республика олимпиадаларида голиб чиққан олтимишга яқин ўқувчи ҳали мактаб партасини тарк этмаёқ, ўз йўналиши бўйича олий ўқув юрталарининг талабасига айланди. Айтaversам... фақат болалар, ёшлар учун эмас, бутун Ўзбекистонимиз учун дунё дарвозалари очилди. Бу — ҳавасми, гурурми, фахрми, хуллас, лолман.

Халқимизнинг: "Ҳавас қилсанг битарсан, ҳасад қилсанг йитарсан", деб боз-боз ишлатадиган нақли бор. Гурур билан айтаманки, ҳозирги кунда ҳар юракда ҳавас уйғонди. Бу ҳавас — Ўзбекистон жамолини, юрт фаровонлигини кўриш. Бу ҳавас — дунё халқларига "мен ўзбекман" деб танилиш.

Марказий хиебоннинг қоқ юрагид

соҳибқирон Темурнинг ҳайкалини яратдинг. Бундан ортик менга нима керак?! Армонли кунларни кўриб туришим,

невараю фарзандларимнинг ўзини таниши, мана — менинг БАХТИМ.

Кундалик ташвишлар, майда-чуйда икир-чикирлар олдин ҳам, кейин ҳам бўлади. Бу учун катта бир фалсафа керак эмас. Ҳаёт биздан кейин ҳам давом этаверади. Аммо бизнинг завқимиз бир бўлак.

Бугунликда ҳар бир нарсага, воқеа-ҳодисага қараш ўзгарди. Мавриди келганда бир ҳайратим билан ўртоқлашай. Яқинда Қарши томон учмоқчи бўлдим. Каттаю кичикка равшанки, тайерагоҳга борган одамда битта ташвиш бўлади. У ҳам бўлса, кўзлаган манзилига тезроқ етиб олиш. Борган дақиқасидан бошлаб соат милага кўз ташлайди. Учоқ қачон келар экан, деб бетоқат кутади. Иложи борича навбатсиз учишга ҳаракат қилади. Одамнинг табиати доим шундай. Шошилади. Ишим тезроқ битсин, дейди.

Мен ҳам кўп қатори шу орзудан йирок эмасдим. Тайерагоҳда кўп қатори бўлганман. Хизматидан фойдаланганман. Ҳаяжон ҳам, учоқ учмаган пайтлари (айниқса, қишнинг туманли кунларида) асабланганман. Кимнингдир "тўрига гишт қалаганман". Бу фақат менда эмас, ҳаммада бўладиган ҳолат. Эслатганимдек, тирик одамимиз. Фаслларга қараб эмас, кун сайин, дақиқа сайин ўзгариб туришимиз унчалик қийин эмас. Оби-ҳавога мослашиб қолганмиз.

Тайерагоҳ доим гавжумлиги сир эмас. Радио-карнайн ҳам бетиним учаётган, келаятган учоқларнинг рақамини, вақтини эслатиб туради. Шахсан шу кунгача Тошкентдан Ўзбекистон шаҳарларига, қардош мамлакатлар марказлари, баъзи бир йирик шаҳарларга учишини билардик.

Радио-карнайдан ўзбек ва рус тилида эълонлар берилиб турарди. Кулогим шунга ўргангани.

Ҳаёл билан банд бўлиб турганимда ёқимли овозда куйидаги эълон эшитилди: "Ҳурматли йўловчилар! Тошкент-Лондон йўналиши бўйича учадиган учоққа йўловчилар чиқиши давом этмоқда". Бир пас ўтар-ўтмас, "Тошкент-Тель-Авив" сари учадиган тайёра ҳақида ҳам ахборот берилди. Биласизми, ўз кулогимга ишонмай қолдим. Наҳотки... Илк бор юрагимда ҳайрат пайдо бўлди. Тошкентдан-а! Тасаввурга сиғмайди. Лекин буларнинг бариси кўз олдимизда содир бўлаяпти. Омон бўлгур Ўзбекистоннинг ўз эгаси, эгалари борлигидан нишона бу. Мен шу эълонни эшитгач, қанот чиқаргандек, ҳузур қилдим.

Оламни таниш табиий бойликдан бошланади. Аввал ота-онасини, кейин қариндош-уругини, кўни-кўшни, яқинларини танийди. Ундан кейин богчасини, мактабини, китобини, ўқитувчисини. Қишлоқда тугилган бўлса шаҳар кўради. Шаҳарлик бўлса қишлоқ билан танишади. Хуллас, умр бўйи одам таниб-танилади. Юрт ошади. Дўст-ёр орттиради.

Мен бу гапни дабудурустан айтаётганим йўқ. Аниқки, ўзбек одам ўтил кўрса, унинг учун уй-жой куради. Хонадон яратади. Отадан мерос қолса, уй-жой, молу мулк боласига қолади. Хўш, қурилган шаҳарлар, мактаблар, йўллар, кўприклар, қўйингки, Ўзбекистон бизга кимдан мерос бўлиб келди. У кимники?

Жавоб битта — ўзбек халқиники.

Айтганларимнинг барисида ота-боболаримизнинг ҳиссаси бор. Юрт эгалари ана шулар. Демак Ўзбекистон бизники. Биз ҳам уни келажак наслимизга мерос қилиб қолдирамиз.

Ана шуларни ўйлаганимда қалбимда ёрқин ҳислар уйғонади.

**Достонларда куйлангандек:**

**Мард юрар майдон ичинда.**

Мана энди Ўзбекистоннинг доврuginи, шарафини ҳимоя қиладиган марду майдонлар, яратувчилар керак. Бобурдир, Навоийдир, табибдир, олимдир, бобокалонларимизга қай тарзда зурриёдмиз. Мана шуни исботлайдиган, кўрсатадиган фасл келди.

Уюшиб қолган қонларимиз юришди. Кўзимизни қошлаб ётган пардалар очилди. Тилимизга солинган "кишан"лар ечилди. Парвоз учун имконият яратилди.

Биласиз, бургутлар тоғларнинг баланд чўққиларига ин куради. Ошиёни баланд бўлади. Бургут бола очгач, темир қанот болаларини ана шу чўққилардан туриб, пастга ташлаб юборади. Боласи ерга яқинлашар-яқинлашмас шўнгиб, илиб олади-ю, яна осмонга кўтарилади. Пастга ташлаш, кўкка олиб чиқиш машқи анчайин давом этади. Ният—боласини кўркмас, баланд парвозларга тайёр қилиб ўстириш.

Ўзбекистон мустақиллигини ҳам ана шу тарзда қабул қилиш керак. Биз орзулар ошенига етдик. Қанотимиз остида ўсаётган сиз бургутчалар эса, баландликка интилишингиз шарт. Чунки, баландликдан ўзбекнинг қадди, юрт жамоли юксакроқ кўринади.

Имкониятни оталар яратади, имтихонни халқ болалари беради, дейишим шундан.



— Муаллим, расм чизгим келаяпти: эрта тонг. Баҳор. Довон сари от етаклаб кетаётган ёш йигит. Отга ўнгарилган хуржунда китоблар. Обтофтига қирдан унга тикилиб турган бир тўда болалар...

Муаллим, шу манзарани чизгим келаяпти.

гун синфдан вазминроқ чиқишди, ўзларича фикрлашишди, мулоҳаза юритишди. Йўлакда сизгача тарихдан дарс берган ўқитувчимизга дуч келар эканмиз, негадир ғалати бўлиб кетдик.

Бизлар "ифтихоримиз" деб ҳисоблаган "оқ олтин" аслида

захирадаги ўйинчисизлар, ҳадемай майдонга тушасизлар" дегандингиз образли қилиб.

Бугун захирадагилар майдонга тушишяпти, устоз муаллим!

Эрта саҳар эди. Синфдошим югуриб келди-да, мени тортқилай **Норсафар ИМОМОВ**

# Ўнглланган орзулар

Биринчи марта синфимизга қандай кириб келганингизни ҳамон эслаймиз... Директоримиз сизни бошлаб кирди. У сизни таништириб чиқар экан, йигирма саккиз жуфт қорақўз сизга тикилди.

Ғалати эди бизнинг синф ўқувчилари. Болалар тўполончи, қизлар эса...

Йўқлама бошланиши билан болалар аста-секин мудрашга туша бошлашарди. Айниқса, 6-соатга бориб одамни уйқу элтарди.

— Бугунги дарс мавзуи Ўрта Осиенинг Россия томонидан босиб олиниши, — дея синчков назар ташладингиз синфга.

— Қўшиб олиниши, — деди Қосим китобдан кўзини узмай.

— Йўқ, — дедингиз.

Кейин... биздаги доимий зеркиш ва мудроқлик ўрнини қизиқиш эгаллай бошлади...

Қўнғироқ чалиниши билан ташқарига отиладиган ўқувчилар бу-

## Бадиа

дардимиз эканлигини, "каллалардан минора ясаган", "жоҳил Темури"нинг аслида буюк соҳибқирон эканлигини сизнинг оғзингиздан эшитгач, алданган болалигимизга ачиндик.

Сеҳр бор эди сизнинг сўзларингизда. Бўлмаса, бўш қолдик дегунча майдонга югурадиган болалар — футболни ташлаб дарсларга чопмасди. Ашаддий "футбол жинниси" бўлган Насриддин ҳам бизни ушлаб қололмасди.

Танаффусларда ҳамма муаллимларнинг ролини ўйнаб бера оладиган Ҳаким илк бор сизнинг юриш-туришингизни кўрсатиб беришдан бош тортди. Йўқ, йўқ, қўлидан келмаганлиги учун эмас, чин ҳурмат қилганлиги учун. Ҳар қандай одамга лақаб топиб қўядиган Рустам ҳам ўзининг сеvimли "иши"дан воз кечди.

Ёдингиздами, бизга: "Сизлар

бошлади: "Тур, турсанг-чи, муаллим ўзининг қишлоғига кетаётганмиш. Бошқа муаллимлар дарс ўтишга қўйишмабди".

Тоғ ортидаги қишлоқларни тўсиб турган доvon сари чопарканмиз, қир устида турган бир тўда болаларга кўзим тушди. Улар менинг синфдошларим эди, улар сиз билан хайрлашишга улгуришган экан. Ўртоғим билан ҳаллосланиб етиб келганимизда сиз от етаклаб бир қир нарида кетиб борардингиз. Отга ўнгарилган хуржунда эса биз севган китоблар бор эди. Қуёш ҳали кўринмас, лекин уфқ қизариб борарди. Бу худди бизнинг йигимизга ўхшарди.

Муаллим, расм чизаяпман: эрта тонг. Баҳор. Довон сари от етаклаб бораётган ёш йигит. Отга ўнгарилган хуржунда китоблар. Биз севган китоблар... Ранг тополмай қийналаяпман, муаллим, ранг тополмаяпман...

## Истиқлол сатрлари

### Юртим баҳори

Байраминг муборак бўлсин эй, элим,  
Мустақил кўксинга тегсин шаббода.  
Хурсандман бу кундан яйрагай дилим,  
Номинг довруғ солсин бутун дунёга.

Улуғвор халқим бор, деб шод юрарман,  
Севинчдан бу дамда кўзларимда ёш.  
Сен берган дунёга мағрур боқарман,  
Сенга мадақдордир барча қару ёш.

Навоий бобомнинг руҳи менга ёр,  
Қўлимга қўрқмайин қаламим олдим.  
Сенга муҳаббатим айлашчун изҳор  
Мадҳинга арзимас шеъримни ёздим.

Умид ҲАМРОЕВ,  
Самарқанд вилояти, Ургут тумани.

### Оллоҳим қўллаган юртим

Мустақил кунларим, кел-кел чирогим,  
Ишончим тулпори, едғиз яроғим.  
Сен бугун яшнайвер, чиндан қарогим,  
Оллоҳим қўллаган юртим бор учун!

Қошимдан югурди кунлар, лаҳзалар,  
Кимлардир кўнглимга гийбат тақсалар.  
Шеър ўқий бошлайман, еқмай-еқсалар,  
Оллоҳим қўллаган юртим бор учун!

Эрк дедим, қақшатқич зарбга таландим,  
Шон дедим, не дув-дув гапга таландим.  
Жонажон Шарқимга Ғарбга таландим,  
Оллоҳим қўллаган юртим бор учун!

Тунлар йиғладилар, мен йиғламадим,  
Кунлар йиғладилар, мен йиғламадим.  
Мунгла йиғладилар, мен йиғламадим,  
Оллоҳим қўллаган юртим бор учун!

Сен бугун яшнайвер, чиндан қарогим,  
Оллоҳим қўллаган юртим бор учун!

Орифжон ТҲУТАШЕВ.

### Ўзбекистон

Озод бу диёрнинг озод фарзанди,  
Илм олиб, ҳунар ўрганиб ўсар.  
Темур бобосидай тезкор, шиддатли,  
Қуллик, беймонлик йўлини тўсар.  
Унинг келажаги, йўллари порлоқ,  
Мадақдор бўлади унга истиқлол.  
Қўлларидан тушмас юлдузли байроқ,  
Хумо қуши кутар, кутар истиқбол.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,  
Фарғона вилояти, Боғдод туманига қарашли Ултарма қишлоғи.

## ТУШ

— Яна кеч қолдингми, Султон? — сўради ўқитувчи.

— Тушимда сизни кўрибман, муаллим, — деди нима деярини билмай Султон.

— Қани эшитайлик-чи?

— Эрталоқ тургин-да, Султонбой, деб кўлимдан ушлаб жойимга ўтиргизиб қўйибсиз.

Қодиржон ЙЎЛДОШЕВ.



Ўқитувчи Антонинодан сўради:

— Антонино, олмаларни қайси пайтда териш қулайроқ?

Антонино ўрнидан туриб жавоб берди:

— Жаноб ўқитувчи, олмаларни эгаси йўқ пайтда ва ити ухлаб ётган пайтда териш қулайроқ.

Испан тилидан Жўрақул АННАЕВ ўгирган.



Хитой Халқ Республикаси, Шинжон автоном уйғур туманининг "Торим гунчалари" ойномасидан олинди.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:  
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,  
М. ПИРМАТОВ / масъула котиб /,  
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,  
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Ташкис этилувчи:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚҰМИТАСИ  
Газета 1929 йил, 1 августдан  
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан  
чиқра бошлаган.

Газета ҳафтаининг чоршанба кунини чиқарди

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:  
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,  
ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЙ.  
Нашир кўрсаткичи: 64563  
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни  
Газета IBM компютерерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-492. 29939 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.